



Ishonch

Тилга
эътибор –
элга
эътибор
Халқ нақли

2020 йил 22 сентябрь • сешанба • № 104 (4389)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 сентябрь кuni ўсимликлар карантини соҳасидаги ислоҳотлар натижадорлиги таҳлилга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар ва экспорт сисъатининг асосий мақсади – мамлакатимиз маҳсулотларини жаҳон бозори талабларига мослаштириш. Шунинг учун, ўсимликларни ҳимоя қилиш йўналишини ислоҳ қилиб, ўсимликлар карантини инспекцияси ташкил этилди. Халқаро стандартларни жорий этиб, экспортга кўмаклашиш, хорижий давлатлар билан битимлар тузиш, ўсимликлар клиникаси ва биологаториялар ташкил қилиш, шунингдек, соҳага илм-фан ютуқларини олиб кириб, малакали кадрлар тайёрлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги дастлабки қадамлар натижасида 19 давлатга 78 хил маҳсулотни экспорт қилиш учун рухсатномалар олинди.

Сертификация учун ўнлаб қоғоз ҳужжатлар ўрнига ягона электрон тизим жорий этилиб, экспортчиларнинг аризаларини кўриб чиқиш муддати 10 кундан 1 кунга туширилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳада амалга оширилаётган ишлар бўйича тақдимот билан танишиб, навбатдаги вазифаларни белгилаб берди.

Янги экспорт бозорлари топиб, маҳсулотларни ҳозирги нархдан 3-4 баравар қимматроқ сотиш имконияти борлиги айтилди. Товарларни халқаро фитосанитария талаби асосида тайёрлаш учун маҳсулот етиштирувчи, қадоқловчи ва экспорт қилувчи ҳар бир корхонага карантин инспекторларини бириктириш бўйича кўрсатма берилди.

Литва, Латвия, Украина, Озарбайжон, Миср, Қатар, Мўғлистон, Афғонистон ва бошқа давлатлар билан музокара ўтказиб, гилос, анор, узум, қовун каби мева-сабзавотлар экспорти учун тадбиркорларга йўл очиб бериш вазифаси белгиланди. «Даладан экспортга» таъйинли бўйича тўлиқ ишлашни таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Маълумки, келгуси йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш мўлжалланган. Бунинг учун соҳанинг илмий салоҳиятини ошириш, халқаро сертификация тизимини таъбиқ этиш керак. Шу боис давлатимиз раҳбари бу бўйича йирик илмий марказ ташкил этиш тақлифини илгари сурди. Фан билан амалиёт уйғунлигини таъминлаш, экспортчи корхоналар мутахассисларига халқаро фитосанитар талабларни тушунтириш бўйича топшириқлар берилди.

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ҳузуридаги ўсимликлар карантини илмий марказини тубдан ислоҳ қилиб, замонавий лабораторияларга эга бўлган Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида ҳамда Фарғона водийсида марказлашган илмий муассасалар ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди. Ушбу илмий марказларга Фанлар академияси ва агроанот мажмуаси тизимидаги илмий тадқиқот институтиларни бириктириш, Инновацион ривожланиш вазирлигига мазкур илмий марказларни ривожлантиришга грант маблағларини йўналтириш вазифаси қўйилди. Инвестиция ва ташқи савдо вазирлигига икки ой муддатда илмий марказ ва ҳудудлардаги лабораторияларни жиҳозлашга 50 миллион доллар миқдордаги маблағларни жалб қилиш топширилди. Шунингдек, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида ҳам халқаро фитосанитария талаблари ўқитилди.

Бугун соҳада хусусий сектор иштирокида 205 та ўсимликлар клиникаси, 690 та биологатория мавжуд. Сифат ва рақобатни таъминлаш мақсадида бундай хусусий клиника ва биологаторияларни қўпайтириш лозимлиги таъкидланди.

Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига 1 декабрга қадар ўз маълумотлар базасини божхона органларининг «Ягона дарча» электрон тизимига тўлиқ интеграция қилиш вазифаси қўйилди.

ЎКТАМ БАРНОЕВ ОИЛАСИГА ТАЪБИЯ БИЛДИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ўктам Барноев 20 сентябрь кuni оғир хасталик туфайли вафот этган эди.

Президент Шавкат Мирзиёев 21 сентябрь кuni таъзия хонадонга ташриф буюрди. Қуръон тиловат қилинди.

Ўктам Барноев меҳнат фаолиятини ўзи туғилиб ўсган Бухоро вилоятида бошлаган. Кейинчалик Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида, Вазирлар Маҳкамасида масъул лавозимларда ишлаган. 2008-2010 йилларда Самарқанд, 2016-2020 йилларда Бухоро вилояти ҳокими бўлган. У жорий йилдан Бош вазирнинг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари сифатида фаолият юритиб келаётган эди.

Ўктам Барноевнинг деярли бутун фаолияти қишлоқ ва сув хўжалиги билан боғлиқ бўлди. У ушбу соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишда асосий ижрочилардан бири эди. Бу йўлда барча билим, тажриба ва кучини сафарбар қилди. Аграр тармоқни диверсификация қилиш, бозор механизмлари ва кооперация тизимини жорий этиш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, ҳосилдорликни ошириб, озиқ-овқат

саноатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Давлатимиз раҳбари марҳумнинг онаси, рафиқаси ва фарзандларига ҳамдардик билдириб, сабр-тоқат тилади.

– Ўктамжон олижаноб, забардаст, фидойи, ватанпарвар, ўрнатқан олишга арзигулик инсон эди, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бош вазир пайтларимда ҳам бирга ишладик. Гапирмасам ҳам мени тушунарди. Бир инсоннинг тарбияланиб, шундай кадр бўлиб етишиши осон эмас. Айниқса, охириги пайтлар оғир соҳани бериб, кўнглим тинчиб, кўп ишларни бошлаган эдик. Бу офат бутун дунёга келди. Қўлимиздан келган ҳамма нарсани қилдик. Лекин ўлим ҳақ. Аллоҳнинг иродаси экан. Бу ҳаммамизга мусибат. Жойи жаннатда бўлсин!

Президент марҳумнинг oilаси, фарзандлари доимий эътиборда бўлишини таъкидлади.

Ўктам Барноевнинг oilа аъзолари давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, халқимизга оқсоқлик, сийҳат-саломатлик тилаб дуо қилдилар.



ЎЗБЕК ТИЛИ БМТДА Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги Ўзбекистон янги марраларга интилоқда

Туркияда чоп этиладиган «Жумҳурият» газетасининг шу йил 21 сентябрдаги сонидида «Ўзбек тили БМТда» сарлавхали мақола эълон қилинди. Қуйида ушбу мақола эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Ўзбекистон – Марказий Осиёдаги туркий жумҳуриятлар ичида аҳолиси энг зич ўлка. Мамлакат аҳолисининг асосий қисми ўзбеклардан иборат. Айни вақтда қўшни давлатлар – Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистонда ҳам кўп сонли ўзбеклар яшайди. Ушбу хусусиятлар ҳисобга олинганда, **расмий Тошкент бутун минтақанинг барқарорлигини таъминлашда катта ҳисса қўша олади.**

Турклар таъбири билан айтганда «Ўз кент» (асил кент) ҳисобланган Фарғона водийси авваллари исломий экстремизм билан қўшиб тилга олинар эди. Водий минтақаси Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудларида жойлашган бўлса-да, унинг катта қисми расмий Тошкент бошқаруви остидадир.

Ўзбекистоннинг иштирокисиз Афғонистон, Хитой, ҳатто бутун дунёда экстремизмнинг олдини олиш осон бўлмайди. Минтақада ғоявий назорат ўрнатилмаса, экстремистлар Қозғонистон, Россия, ҳатто Сурияга қадар ёйилиши мумкин. Радикализмни бартараф этиш учун нафақат ташқи омилиларни кечказ, балки иқтисодий-ижтимоий ва маданий соҳаларда ҳам чора-тадбирларни амалга ошириш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон туризм салоҳияти кенгайиб бормоқда. Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлар туркий дунё тарихида катта аҳамият касб этади. Амир Темур авлодларининг диёри осмон остидаги музей қабибидир.

Иқтисодий томондан қараганда, Туркияда етиштирилиши камайиб бораётган пахта Ўзбекистонда ҳозир ҳам кўп миқдорда қайта ишланиб, экспорт қилинади. Бу ўлка, шунингдек, Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашгани туфайли Шарқ ва Ғарбни боғловчи халқа мисолидир.

Ўзбек-турк муносабатлари ҳам сўнгги вақтларда раванқ топиб бормоқда. Ўзбекистон жамоатчилиги Туркияга яқиндан қизиқиш билдирмоқда, аммо турк афкор оммаси учун айни ҳолатни билдирмоқ мумкин.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ИСЛОҲОТЛАРИ

Ўзбекистондаги Шавкат Мирзиёев бошқаруви сўнгги йиллардаги ислоҳотлари билан **ижобий таассурот уйғотмоқда.** Ш.Мирзиёев ҳокимиятга келиши билан амалга оширилган ишлар минтақага қизиқувчиларнинг эътиборини қозонмай қолмади.

Мамлакатда бошқарув тизими бошдан-оёқ ўзгартирилиб, янгиланди. Ўлка дунёга очилди. Қўшни ва минтақадаги давлатлар билан алоқалари, ҳамкорлиги интилишлари диққатга сазовор. **Мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий янгиланиш ғояси «Янги Ўзбекистон» шиори остида тилга олинмоқда.**

Шавкат Мирзиёев сайлов маданияти, фуқаролик жамияти субъектларининг аҳамияти, ОАВ фаолиги масалаларини қўлаб-қувватлаб келмоқда. Гендер ҳуқуқи, аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокига аҳамият берилмоқда. Сўнгги сайловларда аёл депутатлар сони икки баробар кўпайди.

Мажбурий ва болалар меҳнатини бартараф этиш масалаларини ҳам ўз ичига олган **Инсон ҳуқуқлари миллий стратегияси ишлаб чиқилди.** Камбағалликни камайитириш, қашоқликка қарши кураш, миллий манфаатларга устуворлик берувчи очиқ ва прагматик ташқи сиёсат Президент Шавкат Мирзиёев мақсадлари сирасидан жой олган.

Расмий Тошкентнинг ижобий динамикаси нафақат ички ҳаётда, балки қўшнилар билан муносабатларда ҳам намоён бўлмоқда.

Ўзбекларнинг интилувчанлиги қўшни давлатлар мутасаддилари ҳам қўшилиб бораётганини эшитмоқдамиз. Туркий тилининг тамал тошларидан бўлган қиғатой лажжасини адабий тил ҳолига етказган Алишер Навоий айни вақтда Амир Темур давлатининг забардаст вакиллари билан бири эди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг эртага бошланадиган Бош Ассамблеясида ҳамкорлик марралари, умидлари ва мамлакатининг тинчликпарвар мақсадлари ҳақида **илк бор Навоий тилида дунёга хитоб қилади.**

Туркия Ўзбекистондаги янги ва кенг қамровли ўзгаришларга янада кўпроқ эътибор бериши, ҳамкорликни янада ривожлантириши даркор.

«Жумҳурият» газетаси. (ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 –

қисқа рақамли «Ишонч» телефони – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўлашингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда касаба уюшмаси аъзоси бўлишдан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.

Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерациясининг доимий эътиборида!

Аёл дарди – жамиятники ҳамдир

Ишли бўлганингиз ростми?

Барча мамлакатлар учун энг оғрикли масала – ишсизликдир. Аксарият кўнгилсизликлар ва жиноятлар ортида муқим бир меҳнат фаолияти билан машғул бўлмаслик ва бекорчилик этади. Шу боис, Президентимиз маъруза ва чиқишларида аҳолига янги иш ўринлари яратиш зарурати ҳақида кўп гапирди, битта мурожаат қилаётган опа-сингиларимиз талайгина. Мурожаатлар сони мавзу ва йўналишлар бўйича таҳлил қилинганда, бандликни таъминлаш ва ишдаги муаммоларни ҳал қилиш юзасидан бўлаётган кўнгириклар уй-жой, ижтимоий масалалар ва карантин муносабати билан ердан кўрсатишдан кейинги тўртинчи ўринда туради.

2 ▶



Ёнимизда хавф, аммо биз бефарқ...

Маълумотларга қараганда, бугунга келиб коронавирус деб аталмиш балойи азимга чалинганлар сони дунё бўйича қарийб 31 миллиондан ошди, қўрбонлар сони 1 миллионга яқинлашди. Афсуски, бу рақамлар кундан-кунга ортиб бормоқда.

Яқинда Ғаллаорол тумани деҳқон бозорини айландим. Бозор радиоузелидан эҳтиёт бўлиш, оралиқ масофа 2 метр бўлиши ҳақидаги чорловлар эшитилиб турибди. Аммо... Харидорлар тўда-тўда бўлиб юришибди. Сотувчиларнинг қўллари яқин орада қўлқоп деган нарсани кўрмаган шекилли... Миҳозлар бемалол маҳсулотларни қўл билан ушлаб кўрмоқда. Карантин қоидалари деган гап бу ерда унутилган...

Деҳқон бозори ёнидаги бўш майдонда тадбиркорлар ўзларича кийим бозори ташкил этган. Ҳар яқинда кuni бўладиган бу бозорда антисанитария ҳолати ҳукмрон.



Мукимжон ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»

Кун Нафаси

Шавкат Мирзиёев 23 сентябрь кuni Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси етмиш бешинчи юбилей сессиясининг юқори даражадаги умумий сиёсий мунозараларида иштирок этади.

Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темирйўл қурилиши лойиҳасида Россиянинг иштирок этиши масаласида олий даражада келишувга эришилди.

Бош вазир ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи савдо вазирини **Сардор Умурақов** ва Бирлашган Араб Амирликлари Энергетика ва инфратузилма вазирини **Сухайл бин Муҳаммад ал-Маъруфий** видеоконференция шаклида музокара ўтказди.

Ташқи иқтисодий фаолият «Миллий банки» акциядорлик жамиятининг Тошкент вилояти бўлими Янгийўл филиали маъмурий биноси таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон ва Беларусь Ёзувчилар уюшмалари вакиллари икки мамлакат ўртасидаги адабий ҳамкорлик, бу борадаги муаммолар ва истиқболдаги режалар ҳақида фикр алмашди.

«Ўзбекино» Миллий агентлиги бюртимасига асосан «Futurist Studio» «**Сеҳрли қаландор»** номли мультипликацион фильмини суратта олиш ишларини бошлади.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди

Камбағалликдан чиқариш кампания бозлик учун эмас!

Долзарб мавзу

ОДАМЛАР НОШУКУРМИ?

Жойларда эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар билан танишиш жараёнида мутасадди раҳбарлардан бирининг куюнчақлик билан айтган гаплари беихтиёр уйлантириб қўйди.

— Одамлар ношукур бўлиб кетяпти, — деди у. — Кеча қорамол, маший техника берилган фуқароларни чақириб, йнгилиш қилдик. Уларга камбағалликдан чиқиш ҳақида ариза беринглр десак, 80 фоизи рози бўлмади. Ўзингиз бир мушоҳада қилиб кўринг-а, ҳар бир соғин сигир 7-8 миллион сўмдан кам эмас, улар эса...

Рост-да, давлат томонидан эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликка барҳам бериш борасида қатор чораларнинг жавоби бўлиши керак-ку, ахир?! Шундай эмасми?

— Одамлар тайёрга айёр бўлиб борапти, — дея давом этди мутасадди. Бунчада иш жойидан силжиши қийин.

Уйланиб қолдим. Эрталаб ҳаловатимни ўғирлаган телефон кўнгириги ёдимга тушди. Нотаниш аёл йнгилашган овозда телевидорда эҳтиёжманд оилаларга бир миллион сўмдан маблағ тарқатилганини кўрганини, унинг олисига кам пул берилганини айтиди. Мен унга ёрдам пули оила аъзолари сонидан келиб чиққан ҳолда ажратилганини тушунтиришга уриндим. Аёл эса барбир ноҳақлик бўлаётганидан ёзғириб, оғир шариоатда турмуш кечираётгани, ёрдам сўраб юқори ташкилотларга ёзаётган шикоятлари эътиборсиз қолаётганидан нолиди.

Ярим соатдан зиёд мулоқотдан сўнг сўхбатни хаёлан таҳлил қиларканман, мен ҳам аёлни ношукурликда айбладим. «Шу пулни беришганда нима бўларди? Нимага бу одамлар норози бўлаверишадилар?»

Бирок кун давомида эҳтиёжманд оилалар яшайдиган хонадонларда бўлиб, улар билан мулоқот қилган, фикрларим ўзгарди.

Назаримда, бугун дунёдаги ижтимоий вазият кимларгадир нисбатан ношукур дея айблов қўйишга изн бермайди. Нафақат камбағал инсонлар, балки ўртаҳол яшовчилар ҳам иқтисодий муаммоларни бошдан кечирмоқда. Давлат томонидан ижтимоий химояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар узлуқсиз давом этаятгани бежиз эмас. Қорамоллар, маший техникалар берилаётгани, маъсумий ишга жалб қилинаётгани эътирофга лойиқ, албатта. Бу эҳтиёжманд инсонларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда ҳеч бир муболағасиз муҳим аҳамиятга эга. Бирок кеча қорамол

бериб, бугун камбағаллар рўйхатидан чиқариш қанчалик тўғри?

РЕАЛ ФИКРЛАШНИ ЎРГАНАЙЛИК

Чорвачиликдан хабари бор одамлар, қорамол боқишнинг ўзи бўлмастгилни яхши билишадилар. Бир сигирдан 10 литр сут соғиб олма, ҳар бир литрини 4 минг сўмдан сотса, кунига 40 минг сўм бўлади, дейиш оғиздагина осон. Қишлоқ шароитида сутнинг нархи 2 500-3000 сўм атрофида. Шуниси ҳам борки, сигир ўз-ўзидан 10 литр сут беравермайди. Бунинг учун жилла курса кунига 3 литр сутнинг пулини жониворга сарфлаш керак. Қишлоқ одамлари билан сўхбатлашганимизда, бир соғин сигирдан кунига ўртача 5-6 литр атрофида сут олишини айтишди. Бу эса қиммат бозорда 20-25 минг сўм дегани. Шунинг ҳам 10 минг сўмни сигирнинг ем-хашагига сарфласа, рўзгорга қоладигани 10-15 минг сўм. Хўш, энди айтинг-чи, 15 минг сўм билан рўзгорни бутлаб бўладими?


Зеро, қорамол берилгани, хатто доимий иш билан таъминланган билан ҳам киши дарров камбағалликдан чиқолмайди. Маъсумий ишларга жалб қилишнинг самараси ҳам маъсумий. Рўзгорнинг камини тўдириб, йиртиқларини ямаш учун вақт керак. Камида бир йил узлуқсиз даромад кириб турилгандагина оиланинг иқтисодий аҳволи яхшиланишига умид боғлаш мумкин.

Энг муҳими, ҳақиқатан ҳам камбағалликка барҳам бермоқчи бўлсак, буни асло кампания-бозликка айлантирмайлик деганлар. «Фалон одамни камбағалликдан чиқардик», дея ахборот беролмагани учунгина одамларни ношукурликда айбламаслик лозим. Масалага реал ёндашибгина мавжуд муаммага аниқ ечимлар топилади.

ОЛИМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Ушбу масала юзасидан иқтисодчи олимлар, кенг жамоатчиликнинг фикр ва тақлифларини ўрганиш ўта муҳим. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Урганч ҳудудий филиалида бўлди.

— Камбағалликдан чиқариш қисқа фурсатда ҳал қилинадиган масала эмас, — дейди филиал раҳбари, иқтисод фанлари номзоди Фарход Абдуллаев. — Ҳар бир шахсга индивидуал ёндашиб, камида олти ой учун кунма-кун амалга оширилаётган ишлар режасини ишлаб чиқиш, йўл харитаси асосида иш кўриш зарур. Аввало, маҳалла фуқаролар йиғинлари, сектор раҳбарларининг бу масалада тегишлича билим ва кўникмага эга бўлиши тақозо этилади. Хуллас, ҳар бир сектор раҳ-



барининг ўз ҳудудида нечта камбағал оила борлигини, қайси омилар таъсирида камбағаллик даражасига тушиб қолганини аниқ билиши, оиланинг ишга яроқли аъзоларининг имкониятлари, дунёқароши билан ҳисоблашиши керак. Маҳалладаги камбағал оилалар рўйхати тўлиқ шакллантирилганидан кейин, бу жараёнда «Лойиҳалар фабрикалари»ни ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Одамлар орасига борганда «Мана сенга қорамол, мана сенга 50 та товуқ, шу билан оилангнинг иқтисодини кўтаришинг керак» демасдан, кичик бизнесни йўлга қўйиш учун камида 100 та лойиҳа тақдим қилиш зарур. Ҳар бир эҳтиёжманд оила ушбу лойиҳалар билан танишиб, чиқиши ва ўзига мақбулини танлаб олиши даркор. Шу ўринда эҳтиёжманд оилалар зиммасига ҳам масъулият юкланиши, дейлик, 50 та товуқни қандай парвариш қилади, гўшт ёки тухум сифатида пуллаб, қанча муддатда фойда кўришга ўтади — ҳамма-ҳаммаси ҳақида аниқ тушунча ва режага эга бўлиши лозим. Айтилик, бугун 22 сентябрь.

22 мартда 10 миллион даромад эгасига айланиш учун бугун нима қилиш керак, эртага, индинга, бир ҳафтадан сўнг қилинадиган ишларнинг механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Бунинг учун эса паррандачилик билан шуғулланиб, фаровон турмуш кечираётган тадбиркорлар билан кенгашиб турилса, иш олдига силжиши аниқ. Тикувчилик, қорамолчилик, пишириқчилик, баллиқчилик, асаларчилик... қайси йўналишда бўлмасин, ҳаммасини пухта режалаштирган ҳолда, ёрдамни қабул қилаётган оила аъзолари шу йўналишда малакага эга бўлишига ҳам эътибор қара-

тиш керак. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос сирлари, қийинчиликлари бор. Кўпчилик биринчи қийинчиликка дуч келгандаёқ қўлини ювиб, қўлтигига уради. Камбағал оила вакиллари улар танлаган йўналиши бўйича ўз соҳасининг энг яхши мутахассисларига бириктириш зарур. Акс ҳолда, қутилган натижага эришиш қийин.

— Бир марталик моддий ёрдамлардан кўпчилик норози бўлаётганини инобатга олган ҳолда, уларни нақд пул кўринишида эмас, эҳтиёжманд инсонларнинг пластик карточкаларига ўтказиб бериш мақсадга мувофиқдир, — дейди филиал ўқитувчиси Гўломжон Сапаев. — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида»ги низомига ҳам айрим ўзгаришлар киритишга зарурат бор. Айтилик, низомининг 13-бандида «Иш берувчи томонидан ходимнинг касбга тайёрлашдан кейин қайта тайёрлашдан ўтганлиги, шунингдек, унинг малакаси оширилганлиги тасдиқловчи ҳужжат нусхасини 5 иш кунини ичида тегишли АБКМга тақдим этилмаган ҳолларда АБКМ томонидан ходимнинг касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга сарфланган харажатларни қоплаш учун ажратилган ва иш берувчи ташкилотга тўлаб берилган субсидияни қайтариш чоралари кўрилади» дейилган. Бизнингча, агар ходимни бир йил ичида ишдан бўшатиб юборса ҳам иш берувчи сарфланган харажатларни қоплаб бериши зарур. Айрим иш

берувчилар ходимни бир ойдан кейин ишдан бўшатиб юбориши, шунчаки субсидия учун уни ишга олган бўлиши мумкин-ку? Ушбу масала юзасидан депутатларимиз жамоатчилик назоратини ўтказса, АБКМлар фаолияти танқидий таҳлил қилинса, ани мудоао бўларди. Агар касбга тайёрлаш иш берувчи эмас, бошқа корхона томонидан ташкил қилинса, тўрт томонлама шартнома тузиш, бунда ҳар бир тарафнинг вазифа ва мажбурияти, жавобгарлиги масаласи аниқ кўрсатилиши лозим. Токи давлат маблағи беҳуда совирилмасин. Бунда иш берувчи ўз талабларини аниқ баён қилиши, ўқитаётган корхона хунарни мукамал ўргатишга кафолат бериши, хунар ўрганаётган шахс, ўқув курсини тамомлағач, унга иш тақлиф қилган корхонада камида бир йил ишлаш шарт қилиб қўйилиши керак. Чунки бандлик масаласини ҳал қилмасдан туриб камбағалликдан чиқариш муаммосини тўлиқ ҳал қилиб бўлмайди.

УЛАР ХОҲЛАМАЙДИМИ?

— Камбағал деган тамғани бир умр кўтариб юришни истамаймиз, — дейди шовотлик Дилафрўз Каримова. — Турмуш ўртоғим сурункали хасталикка чалинган оқибатида оиламиз иқтисодий танг аҳволда қолди. У доимий парваришига муҳтожлиги тўғрисида мен ҳам бирон жойда ишлашга имконизман. Яхшики, ўрдам бериб туришибди. Яқинда маҳалла фуқаролар йиғини раиси хонадонимизга келиб, иссиқхона қуриб берилишини билдирди. Тўғриси, иссиқхона ҳақида аниқ тасаввурга эга эмасмиз. Қўллаб инсонлар шунинг орқасидан мўмай даромад кўраётганини биламиз, холос. Шу боис, турмуш ўртоғим балки имтиёзли кредит олиб, қорамол боқармиз деяпти. Мени эса кредитни қандай қайтариш масаласи чўчияпти.

Дарҳақиқат, Дилафрўз каби қандай йўл тутишни билмаётган юртшоларимиз оз эмас. Уларнинг ҳаракатлари ва давлатнинг кўмаги бесамар кетмаслиги учун экспертлар айтганидек, йўл харитаси асосида аниқ режага таяниб иш кўриш керак бўлади. Ҳар қандай вазиятда ҳам «ура-ура»чиликка берилиб, турли «шоу»лар уюштиришнинг оқибати вой бўлишини ёддан чиқармаслик лозим.

Дарвоқе, бу борада энг асосли фикрларни давлатимиз раҳбари 27 февраль кун тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йнгилишида айтиб ўтган эди: «Камбағалликни камайтириш ойллик ёки нафақа миқдорини қўлайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак».



Мухаббат ТУРАБОВЕВА,
«ISHONCH»

Фахр

Миллий ўзлик ТИМСОЛИ

Тил — миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулкидир. У миллатнинг асосий устунларидан биридир. Тил яшар экан, миллат ҳеч қачон йўқолмайди.

Ўзбек тили халқимизнинг ўзига хослигини, миллий яхлитлигини белгилаш баробарида ўзида миллат руҳини ифодалайди. Шу боис, тил бойлиги ва адабий меросни ўрганиш ҳар доим муҳим аҳамиятга эга.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллат тилини йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмакдир» деган ҳикматли сўзлари ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шу йилнинг 10 апрель кунини Президентимиз «Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунни имзолади. Бу воқеани нафақат юртимиз, балки бутун дунёдаги 50 миллион нафардан ошқ ўзбеклар ва она тилимиз ихлосмандлари қувониб қарши олди. Эндиликда 21 октябрь санаси Ўзбекистонда ўзбек тилининг байрами сифатида нишонланади.

Ўзбек тили — ўзбек халқининг она тилидир. У Ўзбекистон бирлиги ва яхлитлиги, жамият жипслигининг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбек халқини, унинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлиши ўзбек тилининг ривожланишини таъминлаш, унинг давлат тили сифатидаги салоҳиятини изчил ва тўлиқ рўйбага чиқариш муҳим вазифа ҳисобланади.

Президентимиз таъкидлаганидек, биз халқимизнинг тақдирини, эртанги кунини ҳақида уйлар эканмиз, энг аввало, миллатимизнинг асл фазилатларини, гўзал урф-одатларини, бетакрор санъатимиз ва адабиётимизни,

Абдумухтор ҲАСАНОВ,
Тошкент ходимларни бошқариш ва меҳнатни муҳофаза қилиш коллежи директори

Тилга ҳурмат — халққа ҳурмат. Ўз она тилига эга бўлмаган халқ миллат бўлмайди. Тилнинг эгаси халқ, агарки, ушбу халқнинг битта вакили лоқайд бўлса ҳам миллий тил софлигига пўтур етади. Тил маданиятига амал қилинмаса, миллий маданиятга доғ тушади. Шу сабабли бу улкан ҳодисанинг тўб моҳиятини келажак авлод онига синдириш, она тилига бўлган муҳаббат ва садоқатини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда.

Ифтихор

Миллат ва жамият таянчи

Ўзбек тилининг Ватанимизда давлат тили сифатида амал қилинишининг ҳуқуқий асослари қонунан белгилаб қўйилган. «Давлат тили ҳақида»ги қонун уч тамойилга: умумийлик, мажбурийлик ва ҳуқуқий кафолатга асосланади. Дарҳақиқат, давлат тилининг мустаҳкам ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилгани тилимизнинг бой имкониятларидан кенг фойдаланишга етарлича замин яратиб, мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши баробарида, ўзбек тилининг эркин муомалада бўлиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бери.

Сўнгги йилларда ўзбек тилининг халқро миқёсда обрўйи тобора ошиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Турли даражадаги расмий учрашув ва музокараларда тилимиз кенг қўлланаётгани, хориждаги қатор таълим даргоҳлари, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сони кўпайиб бораётгани фикримизни тасдиқлайди.

Ички ишлар вазирлиги томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳофазалари порталига жойлаштирилган «Ўзбе-



кистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилишда давлат тилини билиш даражасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси давлат тилининг ҳуқуқий мақоми, амалий аҳамиятини ошириш борасида наватбадаги муҳим ташаббуслардан бири бўлди. Зеро, юрtdа яшовчи ҳар бир фуқаро, миллати ва динидан қатъи назар, давлат тилига алоҳида ҳурмат ва эътибор кўрсатишга бирдек маъсулдир. Бутун мамлакат аҳли давлат тилини бирдек севса ва қадрласагина, у ўз мақомида мустаҳкам бўлади, ривожланиш сари дадил одимлаб бораверади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги

мақоми ва нуфузини ошириш борасида ҳар бир соҳада ниҳоятда муҳим ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида ушбу йўналишда бир қатор чора-тадбирлар белгиланиб, ҳужжат алмашинув ишлари тўлиқ давлат тилида амалга оширилмоқда. Вазирликка қарашли барча ҳудудий бошқармалар ва тасарруфий ташкилотларнинг пешлавларлари, бинонинг ички ва ташқи ёзувлари тўлиқ лотин алифбосида бўлиши, ижтимоий тармоқлардаги барча саҳифалар, интернет сайтларида ҳам давлат тилидаги қонун ҳужжатларига амал қилиниши таъминланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тизимда давлат тили тарғиботига қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Соҳа ходимларининг давлат тилида иш юритиш бўйича малакасини мунтазам ошириб бориш мақсадида Алишер

Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошида ташкил этилган Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази билан ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, зарурий чора-тадбирлар белгиланди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кўпгина халқро ташкилотлар, хусусан, Халқро меҳнат ташкилоти ва Ташқи миграция агентликлари билан бевосита ҳамкорликда фаолият кўрсатиши боис, бу йўналишлардаги ишлар халқро меъёрларда белгиланган тартиб асосида амалга оширилиши таъминланган.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташаббуси билан 5 жылди «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ҳамда «Давлат тилида иш юритиш» китобларининг чоп этилиши ҳам алоҳида таъсирчан сазовордир.

Ушбу китобларда ташкилот ва муассасаларнинг иш юритиш фаолиятида энг кўп қўлланадиган ҳужжатлар, уларни тузиш тартиб-қоидалари масалалари қамраб олинган мазкур ҳужжатлар тегишли намуналар билан кўрсатилган, шунингдек, иш юритишга оид луғатлар киритилган. Изоҳли луғат ва қўлланма, биричун наватбада, ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларига, бошқарув фаолиятида бевосита ҳужжат устиди ишловчилар, котиб-референтлар, кадрлар хизмати ходимларига мўлжалланган. Ундан ҳисобчилар, адлия маслаҳатчилари, аудитор, меҳнер ва бошқа касб эгалари ҳам фойдаланиши мумкин.

Тил — жамиятнинг асосий таянчи, инсоний мулоқот-муносабатларнинг бирламчи воситаси, миллат руҳи ва давлатчилик тақдиридир. Ҳар бир халқ ва миллат, давлат ва жамиятнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini, унинг мавжудлигини биргина омил — она тили билдириб туради.

Шундай экан, тилимизни эъзозлаш, унинг давлат тили сифатидаги мақоми, жамиятдаги мавқеини янада ошириш, ёш авлодони она тилига ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳаммаша долзарб маънавий бурчимиз бўлиб қолади. Ўзбек тилининг халқро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшиш ҳар биримиздан миллий тилга чуқур ҳурмат билан ёндашишни талаб этади. Зеро, тил бор экан, миллат барҳаётдир.

Гўллола ИСОҚОВА,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг маънавий-маърифий ишлар ва давлат тилини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси



МОЖАРО МАНБАСИ

Кейинги пайтларда россиялик муҳолифатчи сиёсатчи Алексей Навальныйнинг захарлангани ҳақидаги хабарлар кўпчиликнинг эътиборини тортиб турибди. Айтишларича, Германияда даволаётган Навальныйнинг организмидан «Новичок» гуруҳига мансуб захарловчи модда топилган. Аслида, бундай шов-шувли ва можароли воқеа 2018 йилда ҳам содир бўлган эди. Ушунда Буюк Британиянинг Солсбери шаҳридаги ота-бола Скрипаллар захарланган ва Буюк Британия ҳукумати буни Россия зиммасига оқлади. Россия бош разведка бошқармасининг собиқ полковниги Сергей Скрипал ва унинг қизи Юлианинг захарланиши тўғрисида бир қатор Европа давлатлари Россияга санкциялар жорий қилди.

Россия эса мамлакатда кимёвий қуролларни ишлаб чиқариши 1990 йилларда тўхтатилгани ва 2017 йилда барча кимёвий қуроллар йўқ қилингани маълум қилиб, барча айбловларни рад этди.

BBC «Новичок» деб номланган ушбу захарловчи модда собиқ Иттифоқда ишлаб чиқарилгани ва у дастлаб Ўзбекистонда синовдан ўтказилгани ҳақида маълумот берди. Шундан сўнг жаҳон ОАВда уни «ўзбек захари» деб ҳам атай бошлашди.

МОДДА ТАРИХИ

BBC тахминича, «Новичок» моддаси собиқ СССР Органик кимё ва технология

диришган. Шунга қарамадан Россия ҳукумати Скрипалларни захарлагани модда АҚШда ишлаб чиқарилганини оқлади. Кейинчалик эса Чехияда ҳам ушбу модда ишлаб чиқарилгани маълум бўлди.

ХАВФЛИЛИК ДАРАЖАСИ ҚАНДАЙ?

Вил Мирзаянов ва Лев Федоровнинг мақоласида таъкидланишича, ушбу захарловчи моддадан захарланган одам қайтиб тузалмайди ва бир умр ноғир бўлиб қолади. Ушбу модда асосида кимёвий қурол ҳам яратилган бўлиб, унинг ихтирочилари давлат мукофотларини қўлга киритган.

нинг маълум қилишича, собиқ Иттифоқ ҳудудидида «Новичок» деб номланган тадқиқотлар ўтказилмаган. У патентланмаган, рамз, шифр ёки код сифатида ишлатилмаган. Бу сўз фарбда кимёвий элементлар ва токсик таъсир кўрсатадиган материалларга нисбатан атама сифатида ишлатилган. Тахмин қилинишича, ўтган асрнинг 90-йилларида Россиядан кўп олимлар ўзи билан илмий технологияларини ҳам хоризга олиб чиқиб кетган. У ердаги олимлар билан амалга оширилган янги ишланмалардан бири «Новичок» деб аталган бўлиши мумкин.

Захарли модданинг Ўзбекистон,

Миш-миш ва ҳақиқат

«Сайгачий» мажмуа ландшафт кўриқ-хонаси ҳудуди ҳисобланган бу жойга 2015 йилдан буён кириш тақиқланган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида бу ерда кимёвий қуроллар ва уларга қарши ҳимоя воситаларини синаш учун мўлжалланган «Саккизинчи кимёвий мудофаа станцияси» ҳарбий ўқув полигони ташкил қилиниб, дастлаб биологик қуроллар синовдан ўтказилган. Кейинчалик биологик қуроллар синови Орол денгизининг ўртасидаги Возрождение оролига кўчирилган ва полигонда кимёвий қуроллар синала бошлаган.

Ушбу полигонда хизмат қилган Виктор

«НОВИЧОК» – «ЎЗБЕК ЗАХАРИ»МИ?



давлат иттифоқ илмий-тадқиқот институтида яратилган. Ушбу захарли моддани яратиш дастури «Фоллиант» деб номланган. «The Times» нашри эса модда Шихани шаҳрида жойлашган ҳарбий илмий-тадқиқот базасида ишлаб чиқарилган, деб ҳисоблайди.

«Новичок» тўғрисида илк маълумот 1992 йилда «Московский новости» газетасида «Захарланган сиёсат» деб номланган мақолада эълон қилинган. Мақола муаллифлари Органик кимё ва технология илмий-тадқиқот институти собиқ ходими Вил Мирзаянов ва Россия Фанлар академиясининг Геокимё ва аналитик кимё институти етакчи илмий ходими Лев Федоров ушбу хавfli биологик қуролнинг Ўзбекистонда кашф этилганини бил-

Олимларнинг таъкидлашича, захарланишнинг оқибатлари узоқ давом этади.

ОАВ маълумотларига кўра, россиялик йирик банкир Иван Кивелиди ҳам «Новичок» билан захарланиб ўлдирилган.

Солсберида Сергей Скрипал ва унинг қизи Юлиани захарлашда қўлланган атир идишидаги модда миқдори 4 минг кишини ўлдириш учун етарли бўлган. Хавфсизлик соҳасидаги манбаларнинг таъкидлашича, «Новичок» таркибидидаги захар XX аср ўрталарида амитон асосида яратилган захарловчи моддалардан 5-8 марта кучлироқдир.

УСТОРТДА СИНОВДАН ЎТКАЗИЛГАН(МИ)?

«Новичок» деб номланувчи захарловчи модданинг нима учун шундай аталгани ва унинг Устюртда синовдан ўтказилгани тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Бу ном Фарб ОАВларида тилга олинган. Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирли-

аниқроғи, Устюрт саҳросида синовдан ўтказилган ҳақидаги маълумотлар ҳам тўлиқ исботланмаган.

1984-1988 йилларида Нукусдаги кимёвий қуроллардан ҳимояланиш воситаларини яратиш маркази (26382-сонли ҳарбий қисм)да 4 ярим йил мобайнида кимёвий қуроллар синовини ўтказишда иштирок этган захирадаги полковник Виктор Абрамов «Новичок» сўзини умуман эшитмаганини билдирди.

Бутун умри давомида Оролбўйи ҳудудини тадқиқ қилиб келган Қорақалпоқ давлат университети профессори, биология фанлари доктори Гаффар Асенов ҳам захарли модданинг Устюртда синовдан ўтганини рад этди.

Абрамовнинг хотирлашича, ўша пайтда захарловчи моддалар билан тўлдирилган снарядлар портлатилганда осмонда захарланган булут ҳосил бўлиб, шамол йўналиши бўйлаб аторофга тарқалган. Кимёвий қуроллар эса самолёт орқали ҳавога тарқатилган.

Собиқ иттифоқ парчаланиб кетгандан сўнг ҳарбий полигон ёпилган ва ундаги буюм-ашёлар ташиб кетилган. «Совуқ уруш» даврида энг кўрқинчли қуроллар синовдан ўтказилган Устюртдаги бу овлоқ гўша ўз бағрида бошқа қандай сирасорларни яширгани ҳозирча номаълум. Таскин шуки, хавfli захарли модда ўзбек заминида яратилмаган. Биз учун энг муҳими – шу!

КИМЁВИЙ ҚУРОЛЛАР СИНАЛГАНМИ?

Устюртдаги собиқ полигон Нукусдан 400 километр олисда жойлашган бўлиб, ҳозирда унинг ўрни харобага айланган.



Есимхон ҚАНОАТОВ, «ISHONCH»

Солсберида Сергей Скрипал ва унинг қизи Юлиани захарлашда қўлланган атир идишидаги модда миқдори 4 минг кишини ўлдириш учун етарли бўлган. Хавфсизлик соҳасидаги манбаларнинг таъкидлашича, «Новичок» таркибидидаги захар XX аср ўрталарида амитон асосида яратилган захарловчи моддалардан 5-8 марта кучлироқдир.

Олимларнинг огоҳлантиришича, инсоният катта экологик хавф қаршида турибди. Бу атмосферанинг озон қатлами емирилиши билан боғлиқ. Бундай йирик табиий ҳодисанинг олдини олиш учун турли ташкилотлар тузилиб, амалий чоралар кўрилмоқда. Жумладан, 1985 йилда 147 та мамлакат иштирокида атмосферанинг озон қатламини муҳофазага олган Вена конвенцияси қабул қилинди, икки йилдан сўнг Монреал Протоколи имзоланди. Мазкур ҳужжатларга кўра, озонни емирувчи модда ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш камайтирилиши, кейинчалик бутунлай тўхтатилиши ва уни бошқа муқобиллари билан алмаштирилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон 1993 йилда Вена конвенциясига қўшилган ва кейинчалик Монреал протоколини имзолаган ва ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олган: атмосфера, озон қатламининг ҳолатини кузатиб бориш; озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни босқичма-босқич камайтиришга эришиш; ҳар йили емирувчи моддаларни четга чиқариш ва четдан келтириш тўғрисида маълумот бериб бориш; бу соҳада ўтказилаётган тадқиқотлар, ишланмалар тўғрисида ҳисоботлар топшириш ва бошқалар.

Ҳўш, атмосферанинг озон қатлами нимага? Озон – рангсиз, ўзига хос ўткир ҳидли газ, бўлиб, атмосферада ўзига хос қатлам ҳосил қилган. У қуёшнинг ер юзидидаги барча жонзот ва наботот олами учун ўта захарли ва зарарли бўлган ультрабинафша нурларини «ушлаб» қоладиған асосий тўсиқ ҳисобланади. Ер юзидан 15-50 километр юқоридида жойлашган бу қатлам сайёрамиздаги ҳаётни муҳофаза қилиб туради. Аммо кейинги ярим аср ичида озон қатламини емирадиган кўп моддалар ҳавога кўтарилиб, табиий мувозанатга катта зарар етказмоқда.

Кўп йиллик текширишларда шу нарса маълум бўлдики, санат ишлаб чиқариши, совутич техникаси, ўт ўчириш, хоналарда сунъий иқлим ҳосил қилиш, электрон санатда ишлатиладиган хлор, фтор ва углеводлар туркумига кирадиган кимёвий моддалар атмосферанинг озон қатламини емиради.

Озон қатламини кузатиш ва уни ўрганиш асосан 1950 йилда бошланган. 1966 йилда Ернинг сунъий йўлдоши орқали тадқиқот давом эттирилди. 1970 йилга келиб атмосферанинг озон қатлами тўғрисида тўлиқ маълумот тўпланди. Ҳозир Марказий Осиё тоғлари ва тоғ олди ҳудудларида озонни ўрганадиган ўнта тармоқ ишлаб турибди. Шундан бештаси мамлакатимиз ҳудудидида жойлашган. Гидрометеорология бош бошқармаси атмосферанинг озон қатламини ва ундаги ўзгаришларини кузатиб, натижасини Озон бўйича марказга (Канада, Торонто шаҳри) юбормоқда. Бундан ташқари,



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси атроф-муҳитнинг муаммоларидан келиб чиқадиган хатарлардан огоҳлантириш учун режа тузиш мақсадида 16 сентябрни «Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш куни» деб номлаган.



мамлакатимизда «Озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича миллий дастур» ишлаб чиқилган. Ушбу дастурга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг «Озон қатламини муҳофаза қилиш соҳасидаги шартномаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш тадбирлари тўғрисида»ги (24 январь 2000 йил) қарори қабул қилинган.

Ушбу қарорга кўра, Вена Конвенцияси ва Монреал Протоколига қўшилмаган мамлакатлардан (озонни емирувчи моддаларни мамлакатга олиб кириш ҳам, олиб чиқиш ҳам маън этилади).

Миллий дастурда янги ҳамда зарарсиз технологияга энг кам иқтисодий ва ижтимоий чиқимлар билан ўттишининг стратегик йўналишлари белгилан берилган. Уларга озонни емирувчи моддаларнинг баъзи бир

турларидан фойдаланишни тўхтатиш, уни бошқа моддалар билан алмаштириш кўрсаткичларини бажариш, бунда зарарсиз моддалардан фойдаланишга ўта бошланган корхона, муассаса, ташкилот, компания ва хусусий корхоналарга Глобал экологик жамғарма ҳисобидан ёрдам кўрсатиш белгиланган.

Озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш мақсадида халқаро экспертлар томонидан тўртта инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Бу инвестиция лойиҳалари учун 3 356 194 АҚШ доллари миқдоридида маблағ ажратилган. Глобал экологик жамғарма мазкур инвестиция лойиҳалари учун молиявий таъминотни ўз зиммасига олган бўлиб, бунда Ўзбекистоннинг зарурий ҳиссаси 152830 АҚШ долларига тенг.

Бу лойиҳаларда технологик асбоб-

Табиат муҳофазаси

ускуналар келтириш, «Сино» акциядорлик жамиятида озонни емирувчи моддаларни ишлатишни тўхтатиш, экспорт учун мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Давлат божхона қўмитаси назоратини таъминлаш, алоҳида бошқарув марказини ташкил этиш, монтаж, таъмирлаш ишларини йўлга қўйиш, мутахассислар маънасини ошириш ва бошқалар назоратда тутилган. Озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича миллий дастур доирасида соҳа ходимлари, мутахассислари иштирокида семинарлар бўлиб ўтди. Бу семинарларда совутиш агентларининг зарарли таъсири, озонни емирувчи моддаларнинг зарарсиз муқобилларига алмаштириш, тегишли совутиш асбоб-ускуналари, сунъий иқлим ҳосил қилиш қурилмаларини монтаж қилиш, техника хизмати кўрсатиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш технологияси кенг муҳокама қилинди. Семинарларда 400 тага яқин соҳа мутахассислари ва техник ходимлари иштирок этди.

Бунинг натижасида озонни емирувчи моддаларни қисқартириш ва бора-бора улардан фойдаланишни тўхтатиш ҳамда уларни зарарсиз, муқобил моддалар билан алмаштириш устида амалий тадбирлар кўрилмоқда. Масалан, 1993 йилда 680 тонна озонни емирувчи моддалардан фойдаланилган бўлса, кейинчалик бу кўрсаткич 60 тоннага тушди. Эндиги вазифа эса озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни босқичма-босқич тўхтатиш, уларни муқобилларига алмаштириш, Вена Конвенцияси ва Монреал Протоколида кўрсатилган талаблар ижросини таъминлашдан иборат. Бу она заминни асраб-авайлашга хизмат қилади.

Содиқ МҮМИНОВ

Иқдор

Оила, ота-она ва фарзандлар соғинчини тўрт девор ичида алоҳида тартиб-қоидалар асосида яшаган одам бошқалардан кўра кўпроқ ҳис қилади.

УЛУҒ САОДАТ

Мен ҳам жазони ижро этиш муассасаларида ўз қилмишимга яраша жазоним ўтаётган давларимда оиламдан олисда қилган хатоларим ва гуноҳларимни тош-тарозига солиб кўрдим.

Мана шундай палларда улар учун чин кўнгиладан пушаймон бўлдим. Қани энди, яна бир имкон берилса, одамларга, жамиятга зарарим эмас, манфаатим тегадиган даражада ҳаёт кечирардим, деб турли режалар туздим.

Шуқрки, орзуларим ушалди. Президентимизнинг энг улуғ, энг азиз байраминиз арафасида «Жазо муаддани ўтаётган қилмишига чин кўнгиладан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни авф этиш тўғрисида»ги фармони билан мен ҳам авф этилдим.

Оилам бағрига қайтар эканман, юртимиздаги кенг қўламли ўзгаришларни кўриб, уларга ҳисса қўша олмаганимдан уялдим. Эртанги истиқбол учун астойдил меҳнат қилишни, тўрт нафар ўғлимни билимли, халқи ва ватани қорига ярайдиган фарзанд этиб тарбиялашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Чин бахт оила бахти, фарзандлар камолини кўришди. Оилан бағрида бўлиш – энг улуғ саодатдир.

Каримжон ИСОҚОВ Наманган вилояти

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
ISSN 2010-5109
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари таҳрир ҳайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси),
- Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
- Анвар АБДУМУХТОРОВ,
- Сайфулло АҲМЕДОВ,
- Акмал САИДОВ,
- Равшан БЕДИЛОВ,
- Қутлимурот СОБИРОВ,
- Сухроб РАФИҚОВ,
- Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
- Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
- Нодира КАРИМОВА,
- Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
- Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Doverie» бўйича),
- Меҳриддин ШУКУРОВ, (Маъсул қотиб – «Ishonch»),
- Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсул қотиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

- Бўлимлар:**
- Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
 - Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
 - Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
 - Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
 - Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишнгиз мумкин.

- Ҳудудлардаги муҳбирлар:**
- Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
 - Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
 - Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
 - Нижзах вилояти – (+998-99) 889-90-34
 - Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
 - Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
 - Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
 - Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
 - Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
 - Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
 - Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
 - Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
 - Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»нинг олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фирми таҳрирнинг нуқсани назардан фарқлангани мумкин.

- Навбатчи муҳаррир:** Х. Норбоев
- Мусаҳҳиҳлар:** С. Шодиева, Д. Орипов
- Саҳифаловчи:** Х. Абдуқалилов

Босишга топшириш вақти – **22:35**
Топшириш – **23:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюролма Г – 917. 27841 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Манилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриети-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ishonch banka» филиал, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЗД: 58130